

Жиддада динлар ва маданиятлараро диалог мавзусида анжуман бўлиб ўтди



منظمة التعاون الإسلامي

Organisation of Islamic Cooperation
Organisation de la Coopération Islamique

11:14 / 26.12.2018 2041

Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда сиёсатчилар, тадиққотчилар ва ташкилотнинг ходимлари иштирок этди, деб хабар беради IQNA.

“Динлар ва цивилизациялар ўртасидаги диалоглар, ташаббуслар, имкониятлар ва уфқлар” номли ушбу йиғилишда динлар ва маданиятлар ўртасидаги диалоглар тарихига назар солинди. Ливан университети Ислом тадқиқотчи олими, айна пайтда ёзувчи Ризван ал-Саййид бу анжуман, асосан бугун Исломиёт олдида турган муаммоларни ўрганишга бағишланди, деб айтган. Ризван ал-Саййид “Тадқиқотчи Самуэл Хантингтоннинг “Маданиятлар тўқнашуви” ҳақидаги мақоласи бу Ислом дунёси ва бошқа дунё ўртасидаги алоқалари тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Айрим мусулмон мутафаккирлари ва ғарб олимлари бу илмий мулоҳазани ўтган асрнинг 90-йилларида чуқур ўрган эдилар” деди.

Самуэл Хантингтоннинг “Маданиятлар тўқнашуви” номли мақоласи 1993 йилда ёзилган бўлса-да, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг жуда ҳам кўп ўқиладиган мақолага айланган эди. Унда Фарб ва ислом, насроний ва мусулмон, Фаластин, Афғонистон, Босния-Герцоговина, Чеченистон инқирози мавзулари тадқиқ этилган. Бироқ кўплаб сиёсатчилар томонидан дунёнинг келажакдаги ҳолати, бу муаммоларнинг нима билан якун топиши борасида аниқ тўхтамга кела олмаётганлари ҳақида фикр юритилган эди. Аввалида қуруқ хаёллар деб қараб келинган ушбу мақолага 11 сентябрь воқеаларидан сўнг энг долзарб мавзу сифатида қараш пайдо бўлган.

Islom.uz портали таҳририяти